

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

АКАДЕМИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси бошлигининг 2015
йил “14” сентябрдаги 188 - сонли
буйруғи тасдиқланган.

**“Академия ноширлик маркази” давлат унитар корхонасининг
НИЗОМИ**

Тошкент – 2015 й.

**“Академия ноширлик маркази” давлат унитар корхонасининг
Н И З О М И**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ноширлик маркази давлат унитар корхонаси (кейинги матнларда «Ноширлик маркази» деб номланади) ҳуқуқий мақоми, фаолият хусусиятлари, Муассиснинг, Ноширлик марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Ноширлик маркази ва Муассис ўртасидаги мулкий муносабатларини белгилайди. Ноширлик маркази ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва ушбу Низомга асосланади.

2. Ноширлик маркази Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи («Муассис») томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тутатилади.

3. Ноширлик марказининг номи:

ўзбек тилида:

тўлиқ ҳолда – “AKADEMIYA NOSHIRLIK MARKAZI” davlat unitar korxonasi;

қисқача – “AKADEMIYA NOSHIRLIK MARKAZI” DUK;

рус тилида:

тўлиқ ҳолда – Государственное унитарное предприятие «Издательский центр Академия»,

қисқача – ГУП «Издательский центр Академия»;

инглиз тилида:

тўлиқ ҳолда – The state unitary enterprise «The publishing Centre Academy»

қисқача – «The Publishing Centre Academy».

Ноширлик марказининг манзили: 100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68-й.

4. Ноширлик маркази Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг хўжалик ҳисобидаги таркибий қисми бўлиб, мустақил баланс, банк ҳисоб-китоб ва рақслари, ўз рамзи ва логотиплари, штамплари ва бланкалари, товар (хизмат) белгилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг тўлиқ расмий номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

5. Ноширлик маркази қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз зиммасига мулкий ва номулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятларни олишга ҳамда уларни амалга оширишга, судда, хўжалик судида даъвогар ва жавобгар бўлишга ҳақлидир.

6. Ноширлик маркази давлатнинг бошқа корхонаси муассиси бўлишга ҳақли эмас.

7. Ноширлик маркази ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради. Ноширлик маркази Муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Муассис Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилгандан ташқари ҳолларда Ноширлик марказининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

II. Ноширлик маркази фаолиятининг мақсади ва турлари

8. Ноширлик маркази фаолиятидан кўзланган мақсад қуидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва унга бўйсунувчи барча таркибий қисмлар учун босма маҳсулотлар ва услубий адабиётларга бўлган талабларни қондириш;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва унга бўйсунувчи барча таркибий қисмлар ҳамда вазирлик олий таълим муассасаларининг йиллик талабномалари асосида ноширлик марказининг йиллик ишлаб чиқариш режасини тузиш, маҳсулотларни тайёрлаш ва уларни таъминлаш;

котибият талаб ва буюртмасига асосан босма маҳсулотларни тайёрлаб бериш;

ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, илғор бошқарув шаклларидан фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, мутахассислар малакасини ошириш асосида энг яхши иқтисодий фаолият натижаларига эришиш;

Ноширлик маркази фаолиятининг моддий-техника базасини замонавий технологияни жорий этиш асосида такомиллаштириш ва ривожлантириш;

илмий-техникавий, ишлаб чиқариш ва ижодий ҳамкорлик соҳасида халқаро интеграция жараёнларини ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фаолиятини таҳлилий ахборот билан таъминлаш;

ижтимоий-хуқуқий маданиятнинг ўсишига ёрдам берувчи хуқуқий тарғиботни ва оммавий ахборотни тарқатишга кўмаклашиш;

халқаро ахборот алмашувида иштирок этиш, хориждаги давлат ва тижорат нашриётлари билан ҳамкорлик қилиш;

аҳолининг босма маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш орқали фойда олиш.

9. Ноширлик маркази Ўзбекистон Республикасида қуидаги фаолият турларини амалга оширади:

ноширлик фаолияти;

матбаа фаолияти;

босма маҳсулот, жумладан, газета, журнал ва бошқа даврий нашрларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш;

ҳисобот ва хизмат бланкалари, қатъий ҳисобдаги қимматли қафозларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш;

барча турдаги босма маҳсулотларини тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва сотиш;

фуқароларга босма маҳсулотларни замонавий безаш услуби, стандартлар, илғор технология асосида чоп этиш хизматини кўрсатиш;

10. Ноширлик маркази қуидаги қўшимча фаолият турларини амалга оширади:

фотостудия ва фото маҳсулотларни тайёрлашни ташкил этиш;

турли электрон ҳисоблаш машиналарини, радиоэлектрон қурилмаларни йиғишиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишини ташкил этиш;

мураккаб майший техникаларни, фотоаппарат, соат, компьютерларни таъмирлашни ташкил этиш;

корхона ва ташкилотларни матбаа материаллари, хомашё, ускуна ва эҳтиёт қисмлар, қофоз, картон, шунингдек бошқа турдаги саноат маҳсулотлари билан таъминлаш;

халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш;

воситачилик, савдо-воситачилик ва савдо-сотиқ фаолияти, улгуржи, чакана ва комиссион савдо билан шуғулланиш, китоб дўконлари очиш;

аҳолига пулли хизмат кўрсатиш (таклифномалар, этикеткалар ва х.к.);

босма маҳсулотлар ярмаркалари, кўргазмаларни ташкил этиш ва ўтказиш;

аҳоли, корхона ва ташкилотларга турли хизматлар кўрсатиш;

компьютер ва босма ишларни бажариш, қўлёзмаларни адабий ва техникавий таҳрир қилиш, таржималар қилиш, турли безаш ва дизайн ишларини бажариш, оригинал макет тайёрлаш, реклама хизмати кўрсатиш;

белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, шу жумладан, матбаа саноатини технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда ички ва ташқи бозорда рақобатбардош босма маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

11. Ноширлик маркази Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғулланиши мумкин.

III. Ноширлик марказининг Низом фонди, мол-мулки ва молиявий маблағлари

12. Ноширлик маркази Муассис бадаллари ҳисобидан шаклланган 845 774 478 (саккиз юз қирқ беш миллион етти юз етмиш тўрт минг тўрт юз етмиш саккиз) сўм миқдоридаги Низом фондига эга.

13. Ноширлик марказининг мол-мулки давлат мулки бўлиб, Ноширлик марказига хўжалик юритиш хуқуқида тегишлидир. Ноширлик маркази Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда Муассис билан келишилган ҳолда ушбу мол-мулқдан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

14. Ноширлик маркази мол-мулкини ва молиявий маблағларини шакллантириш манбаи қўйидагилардан иборат:

Муассис тақдим этган мол-мулқ ва пул маблағлари;

Ноширлик марказининг ўз фаолиятидан олинган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлариiga зид бўлмаган бошқа манбалар.

Ноширлик маркази мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс эттирилади.

15. Ноширлик марказининг Низом фонди қонун хужжатларида белгиланган тартибда камайтирилиши ёки олинган фойда ёхуд Муассис қарори бўйича унга берилган қўшимча мол-мулқ эвазига кўпайтирилиши мумкин.

16. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлагандан кейин қоладиган соф фойда Ноширлик марказининг тасарруфига ўтади.

17. Ноширлик маркази ўз ихтиёрига келиб тушган фойдани қандай мақсадда сарфлашни Муассис билан келишилган ҳолда белгилайди.

18. Ноширлик марказининг зарари Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда Ноширлик маркази маблағлари ва унга хўжалик юритиш учун биритирилган мол-мулк ҳисобидан қопланади.

19. Ноширлик маркази ўз фойдаси ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган миқдорда захира фонди ва бошқа жамғармаларни ташкил этиши мумкин.

20. Ноширлик маркази Муассисга сўралган йўналишлар бўйича ҳисбот берниши шарт.

IV. Ноширлик марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

21. Ноширлик маркази ўзининг Низомида қўрсатилган мақсадларни амалга ошириш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш;

Ўзбекистон Республикасидаги ҳамда хориждаги давлат ва нодавлат ташкилотлари ва ноширлик марказлари билан ахборот алмашинувида иштирок этиш;

республикадаги ва халқаро ташкилотларнинг оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир ишида қатнашиш;

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимият органларидан ҳамда ташкилотлар ва фуқаролардан зарур ахборот ва материалларни сўраб олиш;

босма маҳсулотларни биргаликда ишлаб чиқаришга бошқа оммавий ахборот воситаларини, ташкилотлар ва фуқароларни жалб этиш;

банкларда ҳисобвараклар очиш ва ёпиш, уларни тасарруф этиш, зиммасига пулли мажбуриятларни олиш ва уларни ўз номидан бериш, жумладан кредитлар олиш, қарз олиш ва бериш, депозитларни банкларга жойлаштириш, суғурта ташкилотларида мол-мулкни суғурта қилдириш;

ўзидаги молиявий маблағлар, кредитлар, ссудалар ҳамда бошқа молиявий манбалар ҳисобидан асосий ва айланма маблағларни сотиб олиш ёки ижарага олиш;

ўз фойдасининг бир қисмини Ноширлик маркази фаолиятини ривожлантиришга ҳамда ходимларни моддий рағбатлантиришга белгиланган тартибда йўналтириш;

22. Ноширлик маркази:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар талабларига риоя этиши;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига биноан, ноширлик фаолиятига лицензия олишни талаб этадиган барча фаолият турларига белгиланган тартибда лицензия олиши;

чоп этиладиган маҳсулотларнинг юқори сифатли бўлишини таъминлаши;

Ноширлик марказини ривожлантиришнинг истиқболли режаларини, молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисботларни Муассисга тақдим этиши;

тасарруфидаги мол-мулкдан белгиланган мақсадда фойдаланиши ва унинг лозим

даражада сақланишини таъминлаши шарт.

23. Ноширлик маркази мазкур Низомда назарда тутилган фаолият турларини амалга ошириш билан бирга, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши, шунингдек унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

24. Ноширлик маркази шартномалар ва мажбуриятларнинг мавзуи, мазмуни ва шаклини, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомга зид бўлмаган фуқаровий-ҳуқуқий ва хўжалик муносабатларининг бошқа ҳар қандай шаклини танлашда эркинdir.

V. Ноширлик маркази бошқаруви

25. Ноширлик маркази бошқарувининг олий органи Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи тимсолидаги Муассисдир.

26. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи Ноширлик марказини бошқариш ҳуқуқини мустақил равишда ёки Ноширлик маркази бошлиғи лавозимига тайинланадиган шахс орқали амалга оширади.

27. Муассиснинг ваколатига қўйидагилар киради:

Ноширлик маркази низомни тасдиқлади, фаолиятининг асосий йўналишлари, мақсади ва предметлари, унинг ҳар йилги режаларини белгилайди;

Ноширлик марказининг ташкилий тузилмасини тасдиқлади;

Ноширлик марказининг низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритади;

Ноширлик марказини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қиласи, тугатувчини тайинлади ва тугатиш балансини тасдиқлади;

Ноширлик маркази мулки билан боғлиқ битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қиласи;

Ноширлик марказининг ортиқча ёки фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкини олиб қўяди ёки тасарруф этади;

Ноширлик марказига етказилган зарарни ундириш тўғрисида Ноширлик маркази раҳбарига нисбатан даъво тақдим этади;

босма маҳсулотнинг қонун ҳужжатлари талаблари ва давлат стандартларига мослигини назорат қиласи;

Ноширлик марказининг қонуний манфаатларини давлат муассасалари ва чет давлатлари олдида ҳимоя қиласи, унинг фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашади;

қонун ҳужжатлари, ушбу Низом, шунингдек Муассис билан Ноширлик маркази ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган ваколатлар доирасида Ноширлик маркази фаолиятини бошқаришда иштирок этади;

Ноширлик марказидан Муассиснинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва материалларини белгиланган муддатларда чоп этилишини талаб қиласи.

28. Муассис:

Ноширлик маркази низомини тасдиқлаши;

Ноширлик маркази билан шартнома тузиши;

Ноширлик маркази томонидан фаолиятни тартибга солувчи Ўзбекистон

Республикасининг қонун хужжатларига риоя этилишини таъминлаши;

Ноширлик марказининг ходимларини лавозимга тайинлиши ва лавозимдан озод қилиши;

мол-мулкни тасарруф этиш учун Ноширлик марказига рухсат бериши;

зарур ҳолларда Ноширлик марказига моддий-техникавий, молиявий ва бошқа ёрдам кўрсатиши;

Ноширлик марказининг молия-хўжалик фаолияти устидан белгиланган тартибда текширишлар ўтказилиши, назорат олиб борилишини таъминлаши;

Ноширлик марказига берилган давлат мулкидан мақсадли фойдаланилиши ва унинг лозим даражада сақланишини назорат қилиши шарт.

29. Ноширлик марказига унинг бошлиғи раҳбарлик қиласи. Ноширлик маркази бошлиғи Муассиснинг буйруги билан лавозимга тайинланади ва ундан озод қилинади.

30. Ноширлик маркази бошлиғи ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

31. Ноширлик маркази бошлиғи белгиланган тартибда Ноширлик марказининг хукуқ ва мажбуриятларини амалга оширади. У Ноширлик маркази номидан ишончномасиз иш юритади ва қуидаги ишларни бажаради:

Ноширлик марказига, унинг ишлаб чиқариш ва ижодий фаролиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

давлат органларида, Ўзбекистон Республикаси ҳамда хориждаги ташкилотлар ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатда Ноширлик марказининг манфаатини химоя қиласи;

Ноширлик маркази номидан битимлар ва шартномаларни имзолайди;

Ноширликлик марказининг тузилишини ўзгартириш ва унинг штатлар жадвалидаги ходимлар сонини қайта тақсимлаш ҳамда мутахассис ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартариш ва тўхтатиш, ходимларни рағбатлантириш юзасидан Муассисга таклифлар киритади;

Муассис билан келишган ҳолда Ноширлик марказининг мол-мулки ва пул маблағларини тасарруф этади;

Ноширлик марказига юклатилган у ёки бу вазифани бажариш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартнома тузади;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

Муассис билан келишган ҳолда Ноширлик марказининг Низомига ўзгартариш ва қўшимчалар киритади.

Ноширлик марказининг бошлиғи мазкур ваколатларни амалдаги қонун хужжатлари, Муассиснинг қарорлари ва мазкур Низомда белгиланган доирада амалга оширади.

32. Ноширлик марказининг бошлиғи ўз ваколатларини амалга ошириш мақсадида Ноширлик марказининг барча ходимлари учун мажбурий бўлган бўйруқ ва кўрсатмалар беради, Ноширлик марказининг қарорларини тасдиqlайди.

33. Ноширлик марказининг бошлиғи Ноширлик марказининг фаолиятини мувофиқлаштиради, белгиланган тартибда Муассисга Ноширлик маркази

фаолиятининг натижалари юзасидан ҳисобот беради.

VI. Ноширлик маркази фаолиятини назорат қилиш

34. Ноширлик маркази ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун хужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда хужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

35. Ноширлик маркази фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда Муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

VII. Ноширлик марказини қайта ташкил этиш ва тугатиш

36. Ноширлик маркази унинг Низоми Муассис томонидан тасдиқланган ва юридик манзили бўйича ҳокимиётда рўйхатга олинган кундан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади ва юридик шахс хукуқига эга бўлади. Ноширлик марказининг мавжуд бўлиш ва амал қилиш муддати чекланмаган.

37. Ноширлик маркази қонун хужжатларига мувофиқ Муассис қарорига кўра ёки суднинг қарори асосида қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

38. Ноширлик марказини тугатиш учун тугатиш комиссияси тузилади. Тугатиш комиссияси таркибини Муассис тасдиқлайди.

39. Тугатиш комиссияси Ноширлик марказининг барча мажбуриятлари қоплангандан сўнг қолган маблағ ва мол-мулкларни тақсимлайди, маблағларни кредит тўловлари ва Ноширлик маркази штатидаги ходимларнинг нафақалари (ишдан бўшаганда бериладиган пуллари) ҳисобига ўтказади.

40. Барча даъволар қондирилгандан сўнг қолган мол-мулк ва пул маблағи Ноширлик маркази Муассисининг кўрсатмаси бўйича фойдаланилади.

**“Академия ноширлик маркази” ДУК
бошлиғи**

С.Е. ЕРНАЗАРОВ